



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси 4-уй
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

140704, 2. Иштихан ул. Иштиханская д. 4.
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

2018-й.г «12» сент.абр

№ 2601-19

Иштихон ш.-г.Иштихан

Тумандаги “Чимқўрғон” МФЙ “Чимқўрғон” қишлоғи ҳудудидан давлат хусусий шерикчилик асосида “Болалар боғчаси” қуриш учун Умаров Жавлонга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилдаги “Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 36- моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Умаров Жавлонга “Чимқўрғон” МФЙ “Чимқўрғон” қишлоғи ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобидаги 208-контур ер майдонидан 100 (юз) ўринли давлат хусусий шерикчилик асосида “Болалар боғчаси” қуриш учун 0.24 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Умаров Жавлонга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик ҳулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг руҳсати олингандан сўнг, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б(М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га “Болалар боғчаси” бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов